

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 11-avgust, payshanba

№ 30 (9194)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi



“Устозлар миллий форуми”:

Янги ўқув йилига ўзгачаруҳ ва янги форматдаги тайёргарлик

Пойтахтимизда Халқ таълими вазирлиги ва ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамкорлигида “Устозлар миллий форуми” ўқитувчилар учун ўқув-семинари ташкил этилди.

Мамлакатимиз таълим тарихида илк мартаба ўтказилаётган мазкур форум таълимда етакчи бўлган халқаро ва миллий экспертлар қамрови, мавзуларнинг хилма-хиллиги, иштирокчиларнинг таркиби билан аънанвий тадбирлардан фарқ қилади.

“Устозлар миллий форуми”нинг бош иштирокчиси сифатида ҳудудлардан 300 нафарга яқин фан методистлари танлаб олинди. 2 кунлик 9 та шўъбада ташкил этилаётган тадбирлар мобайнида соҳанинг етакчи вакиллари янги таълим мазмуни ва методикаси, мактаб бошқаруви ва замонавий усуллари, илғор таълим тизимларидан Буюк Британия, Сингапур, АҚШ каби давлатларнинг тажрибаларини яқиндан ўрганадилар.

“Устозлар миллий форуми” 16-18-август кунлари вилоятларда, 23-25-август кунлари шаҳар ва туманларда, 27-29-август кунлари умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик кенгашилар тарзида

ўтказилади.

Таълим сифатини ошириш учун ўқувчиларга нафақат бугун, балки эртага зарур бўладиган билим ва кўникмаларни бериш талаб этилмоқда. Шу нуқтаи назардан Халқ таълими тизимида босқичма-босқич татбиқ этилаётган Миллий ўқув дастурини жорий этиш, шу асосда янги замон дарсликларини яратиш устида 441 нафар маҳаллий ва 20 нафардан ортиқ халқаро фан экспертлари, 200 нафарга яқин муҳаррир, мусахҳиҳ, расм ва дизайнерлар иш олиб борди.

Муаллимлар жамоасининг 60 фоизга яқини айнан амалиётчи ўқитувчилардир. Фанлар кесимида фаолият олиб бораётган халқаро экспертлар сони 50 нафарга етмоқда.

“Олим – ўқитувчи – методист – халқаро эксперт” тамойили асосида Халқ таълими тизимида дарслик яратишнинг миллий модели юзага келди.

(Давоми 2-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

КАРТОШКАЧИЛИКДА НОРИНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ

ЎҚИНГ, ЎРГАНИНГ ВА ТАДБИҚ ЭТИНГ!

НОРИН – ИККИ ДАРЁ ОҒУШИДАГИ МАКОН

Норин икки обиҳаёт манбаи бўлган Норин ва Қорадарё ўртасида жойлашган, қадимдан деҳқончилик ривож топган манзил. Ер майдонлари тузилиши ҳам хилма-хил. Соз, кумлоқ, тошлоқ тупроқлардан иборат. Дарёлар бағридаги туман бўлишига қарамай баъзи ҳудудларида сув таъминотида муаммолар ҳам бор. Қисқа қилиб айтганда, барча ҳудудларида ҳам деҳқончиликда мўл-кўл, сифатли, бозоригир маҳсулотлар етиштириш учун изланиб, имкониятлар қидириб, инновацион янгиликларни тадбиқ этиб меҳнат қилишга тўғри келади.

Мамлакатимизда Олтириқ номи тилга олингудек бўлса, олисларгача номи етган барра бодринги, Қува деганда қип-қизил анори, Паркент ҳақида гап борганда асалдан ҳам ширин узуми кўз олдингизга келади. Нориннинг эса учтепаликлари томонидан етиштирилиб, экспортга жўнатилаётган алвонранг редискалари довуғи аллақачон Европанинг қатор давлатларига етиб борган.

(Давоми 2-саҳифада)



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИЛМИЙ ҚАМКОРЛИК



Ушбу қурилма жорий йил 3-4 август кунлари корхона мутахассислари билан биргаликда синовдан ўтказилди ва унинг натижаларига асос қорхонадаги ишлаб чиқариш жараёнидан суяқ чиқинди сифатида ташланувчи технологик сувларни тозалаш ва ишлаб чиқаришда ярим юмшатиш сув сифатида қайта

Қорақалпоғистон Республикаси “Қўнғирот сода заводи” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўртасида 2022 йил 12 апрелда имзоланган “Калцинацияланган сода ишлаб чиқариш жараёнидан суяқ чиқинди сифатида ташланувчи технологик сувларни тозалаш ва ишлаб чиқаришда ярим юмшатиш сув сифатида қайта ишлатиш” мавзусидаги шартноманинг техник шартига биноан, университетнинг кимё факултети умумий ва нефть-газ кимё кафедрасида технологик сувни тозаловчи қурилма ишлаб чиқилди.

ишлатиш лойиҳасини амалда татбиқ этиш учун университетнинг кимё факултети умумий ва нефть-газ кимё кафедраси доценти Орифжон Қодиров билан учрашув ташкил этилди.

“Калцинацияланган сода ишлаб чиқариш жараёнидан суяқ чиқинди сифатида ташланувчи технологик сувларни тозалаш ва ишлаб чиқаришда ярим юмшатиш сув сифатида қайта

ишлатиш лойиҳасини амалда татбиқ этиш учун университетнинг кимё факултети умумий ва нефть-газ кимё кафедраси доценти Орифжон Қодиров билан учрашув ташкил этилди.

“Калцинацияланган сода ишлаб чиқариш жараёнидан суяқ чиқинди сифатида ташланувчи технологик сувларни тозалаш ва ишлаб чиқаришда ярим юмшатиш сув сифатида қайта

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири.



Тоҳир ВОҲИДОВ:

“МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН ЮТУҚҚА ФАРЗАНДИМ ЭРИШДИ”

Кунини кеча бутун мамлакатимизга, халқимизга чексиз қувонч ва фахр бағишлаган муваффақият – Ўзбекистон жамоасининг 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида илк бор чемпион бўлишида Жаҳонгир Воҳидовнинг яқиний ҳал қилувчи ўйиндаги ғалабаси тарихий аҳамият касб этди. Ушбу натижадан сўнг 188 жамоа қатнашган энг нуфузли шахмат мусобақасида вакилларимиз чемпионликни тантана қилди.

Ҳиндистон мезбонлик қилган шахмат олимпиадасида Жаҳонгир индивидуал натижалар бўйича 4-доскада ўйнаган шахматчилар орасида ҳам тенгсиз деб топилди ва олтин медални қўлга киритди.

Жаҳонгир Воҳидов 1995 йилда Самарқанд шаҳрида шахматчилар оиласида туғилган. Шунинг учун ҳам болалигидан ақл гимнастикаси билан шуғулланиб, республика ва халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашди. Энг ёш халқаро гроссмейстерлар қаторида эътироф этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

QISHLOQQURILISHBANK

БАНК КЎМАГИ – ТАДБИРКОР ТАЯНЧИ

“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ҳамда “Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган жойларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектлари ва хонадонларда иқтисодий кооперацияни кенгайтиришга қаратилган ҳаракатлар бугунги кунда янада жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бу жараёнда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ҳам фаол иштирок этмоқда.



Молия муассасаларида



Тажрибали деҳқон картошка уруғи сарфини икки баробарга камайтирди

(Боши 1-саҳифада)

Бўстонликларнинг булғор қаллампери, хўжаободликларнинг лимони, октовликларнинг қулунайи, норинкаликларнинг шафтоли, анжир, хурмо-ю помидори, марғизорликларнинг карам, сабзи, пиёзи эндиликда туман, вилоят, пойтахт бозорларида бежиз кўлма-кўл эмас.

Биз бугун туманда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқадан унумли фойдаланиш борасида амалга оширилаётган бир тажриба хусусида батафсил тўхталиб ўтмоқчимиз ва юртдошларимизни ҳам шундай деҳқончилик қилишга чорламоқчимиз.

КАРТОШКАНИ ЯНВАРДА ЭКИНГ!

Норин туманида бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш борасида бой тажриба тўпланган. Айниқса, картошка етиштиришда эришилаётган натижалардан кўнгул тўлади. Хокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Баҳромжон Бўтабоев томонидан тақдим этилган рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, туманда 2020 йилда 14670 тонна, 2021 йилда 17895 тонна, жорий деҳқончилик йилида эса 21501 тонналик кўрсаткич эгаланган бўлиб, ҳосилдорлик гектарига 170 центнердан 195 центнерга кўтарилган. Ана шунча миқдордаги картошка бозор ва савдо шаҳобчаларига чиқарилган, болалар боғчалари, шифохона, сақлаш омборларига етказиб берилган. Хўш, туманда йилдан-йилга аҳоли сони кўпайиб, уй-ойлар қуриш, янги иш ўринлари яратиш учун ерлар ажратилиб,



КАРТОШКАЧИЛИКДА НОРИНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ

захира камайиб бораётган бўлса, ҳосилдорлик қандай қилиб ортиб бораёпти? Бунга қандай эришилмоқда? Биз бу саволимизга жавоб топиш учун туманнинг Юқори Чўжа маҳалласида истиқомат қилаётган, "Мўйдинова Мақсуда" боғдорчилик фермер хўжалиги бошлиғи, 67 ёшни қарши олган бўлса ҳам ҳамон йигитлардек бардам Адҳамжон ота Расуловнинг суҳбатида бўлдик. У узоқ йиллар колхозда иқтисодчи, ҳисобчи бўлиб ишлаган. Бир умр механизаторлик касбини улуғлаб, ҳурмат, эътибор топган отаси Матрайим ҳождан деҳқончилик, боғдорчилик сирларини ўрганиб, кам бўлмади. Нафақага чиққач, турмуш ўртоғи Мақсудахон билан ўғил-қизларини ёнига олиб, боғда меҳнат қила бошлади. Сақизи йилдирки, боғ қатор ораларига

картошка экиб, эртаги ва юқори ҳосил олиш борасида бой тажриба тўплади. Бугунги кунда унинг ишларини деҳқончиликка тадбиқ этаётган норинликлар айна киши чилласида ерга уруғ қадаб, 3 ой ичида тонна-тонна хирмон уйишнинг ҳадисини олишаётди.

– Картошкачиликка меҳрим 1983 йилда тушган. Уша йиллари колхозда етиштирилган маҳсулотларни Россия шаҳарларига олиб бориб, бизга ажратилган савдо шаҳобчаларида сотишни ташкил этиш менинг зиммамга юкланганди. У ердан бу ёққа қурилиш материаллари, картошка олиб келиб, колхоз аъзоларига арзон нархда тарқатганмиз. Келтирилган картошка уруғидан отам билан қишда тажриба сифатида ҳовлимизга плёнка остига экиб, яхши даромад қилганмиз. Бу тажрибани

1,6 гектарлик боғимиз ораларига ҳам тадбиқ этдик. Ноябрь ойида ерга енгил минерал ўғит сепилиб, сифатли шудгорпадик. 80 см. кенликда эгат олинди. Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларидан ҳар йили янги олиб келинадиган "Санта", "Аризона", "Оринона" навли уруғларни 20-30 ҳароратдаги маҳсус ертўлада ундиришга қўйдик. Унган кўзини қирқиб олиб, қолган бўлагини яна ундиришга қолдирдик. Натижада, ун кун ичида уруғнинг барча ўсув нуқталари тайёр холга келди. Бу тежамкорлик усулини қўллаш орқали бир гектарга уруғ сарфини 5 тонна ўрнига 2,5 тоннага туширдик. Натижада, бу усулни қўллаш орқали биргина уруғ сарфидан 10 миллион сўм иқтисод қилишга эришдик. Ҳар йили январнинг биринчи ҳафтасида, ҳавонинг очик кунлари эгатнинг

ўртасини ёриб чиқдик. Гектарига 50 тоннадан кам бўлмаган янги молғунги (бу уруғни совуқдан асрайди ва тез ривожланишини таъминлайди) ва 100 килограмдан минерал ўғит солдик. Уруғни 5-7 см. қалинликда тупроқ билан кўмиб чиқиш мақсадида техника ёрдамида эгат олинди ва устига плёнка тортилди. Натижада, февраль ойининг бошида уруғни ундириб олишга муваффақ бўлдик. Плёнка остида белги берган ўсув нуқталарининг устида қайчи ёрдамида тешик очилди. Март ойига келиб баравж, тўла гектарлар яратишга эришдик. Плёнка олиб ташланиб, белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга киришдик. Техника билан чопиқ қилинди. Утоқ ўтказилди. Гектарига 500 кг.дан минерал ўғит берилди, баргидан озиклантирувчи витаминлардан ҳам унумли фойдаландик. Ҳолатига қараб 15-20 мартагача сув таралди. Ҳашаротларга қарши курашиб борилди. Натижада, май ойининг бошида гектар ҳисобига 30 тоннадан ошириб ҳосил етиштиришга эришдик. Харидорлар далагининг ўзидан олиб кетди. Биргина шунинг ўзидан йилига гектар ҳисобига 35-40 миллион сўм соф даромад қилишга муваффақ бўляпмиз. Бундан ташқари, май ойида картошкадан бўшаган майдонга такрорий экин сифатида ерэнгоқ уруғини қадаганмиз. Уни октябрь ойигача парвариш қилиб, 2 тоннадан кўпроқ ҳосил оламиз. Бу яна қўшимча 30 миллион сўм даромад қилиш имконини берса, поёси билан чорваимизни боқамиз, – дейди Адҳамжон Расулов.

Равшанбек МИРЗОАЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Тоҳир ВОҲИДОВ:
"МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН ЮТУҚҚА ФАРЗАНДИМ ЭРИШДИ"

(Боши 1-саҳифада)

Албатта, биз ҳам мусобақани катта ҳаяжон билан кузатдик, ҳар бир ўйинни гўёки ўзимиз ўйнаётгандек ўйладик, таҳлил қилдик. Айниқса, кечаги якуний баҳснинг қилинди. Утоқ ўтказилди. Гектарига 500 кг.дан минерал ўғит берилди, баргидан озиклантирувчи витаминлардан ҳам унумли фойдаландик. Ҳолатига қараб 15-20 мартагача сув таралди. Ҳашаротларга қарши курашиб борилди. Натижада, май ойининг бошида гектар ҳисобига 30 тоннадан ошириб ҳосил етиштиришга эришдик. Харидорлар далагининг ўзидан олиб кетди. Биргина шунинг ўзидан йилига гектар ҳисобига 35-40 миллион сўм соф даромад қилишга муваффақ бўляпмиз. Бундан ташқари, май ойида картошкадан бўшаган майдонга такрорий экин сифатида ерэнгоқ уруғини қадаганмиз. Уни октябрь ойигача парвариш қилиб, 2 тоннадан кўпроқ ҳосил оламиз. Бу яна қўшимча 30 миллион сўм даромад қилиш имконини берса, поёси билан чорваимизни боқамиз, – дейди Адҳамжон Расулов.

Жаҳонгирнинг шахматдаги муваффақиятларида уни ёшлигиндан турли мусобақаларга олиб борган, унга устозлик қилган амакиси, кўп йиллар Самарқанд шахмат федерациясига раҳбарлик қилган Абдуваҳоб Воҳидовнинг ҳам хизматлари катта.

– Жаҳонгирга ҳар доим "маррани баланд ол, жаҳон чемпиони бўлишни кўзла" деб уқтирдим, ўз устида кўпроқ ишлашга даъват этардим, – дейди А.Воҳидов. – Қаерда мусобақа бўлса бирга борардим, ёнида турардим. Ёшлигиндан интилувчанлиги сабабли Ўзбекистон чемпиони, Осиё ва халқаро мусобақалар совриндори бўлди. Унинг Бутунжаҳон шахмат олимпиадасидаги ютуғи нафақат бахшимиз, балки бутун халқимизнинг ютуғидир. Президентимиз Олимпиада чемпиони бўлган шахматчиларимизга телефон қилиб, уларни табриклагани, Жаҳонгир билан суҳбатлаши, унинг ютуғини алоҳида эътироф этганини телевидорда кўриб, кўзларимга ёш келди. Шу кунларга етказганига шукр! Юртимиз ёшларининг дунёни ҳайратга соладиган муваффақиятлари кўп бўлсин!

Ғолиб ҲАСАНОВ,
Уза мухбири.

Мутахассис тавсиялари

ҒЎЗА БАРГЛАРИНИ СУНЬИЙ ТЎҚТИРИШ

Ушбу муҳим агротехник тадбир қачон ва қай тарзда ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади?

Ғўза дефолиацияси иш унумдорлигини, ҳосил сифатини таъминлайди. Пахта ҳосилини тез ва сифатли йиғиб-териб олишда ғўза барглари суньий тўқтириш муҳим аҳамиятга эга. Шунда қатор ораларида ҳаво айланиши яхшиланиб, кўсақларнинг пишиб етилиши тезлашади. Акс ҳолда барглари далагининг шамоллашига ҳалақат бериб, ҳаво намлигининг ортиб кетишига сабаб бўлади. Натижада кўсақлар димиқиб, очилиши кечикади. Ҳатто айрим кўсақлар пахтага қорайиб қолади.

Дефолиантларнинг тўлиқ таъсир кўрсатиши учун бу тадбирни ғўзанинг биологик жиҳатидан барг тўқишга мойил вақтида ўтказиш керак. Дефолиация пайтида тупроқ намлиги далагининг тўлиқ нам сифатига нисбатан 60-65 фоиз бўлганда барглари тез тўқилади. Дефолиациядан олдин дала четлари, суғориш ариқлари, ўқариқ ва техника бурилиши майдончалари сифатли тексиланади. Дала атрофи 8-12 метр кенликда тозаланиб, даладаги ғўза турлари йиғиштириб олинади. Натижада ОБХ агрегатлари бир текис ишлаб, иш унуми ва дефолиация сифати ошади. Дефолиация мuddати тупроқ-иқлим шароитлари, ғўза навларининг биологик етилганлигига қараб белгиланади. Бунда ғўза навларининг биологик хусусиятларига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки ғўза навларига дефолиантлар турлича таъсир этади. Уртапишар, барг шапалоғи катта, қалин ва сербарг ғўза навлари дефолиантларга барг сатҳи кичик ва юлқа ғўза навларининг таъсирчанлиги юқори бўлади. Шу боис, бундай навларга дефолиантлар меъёрини камайтириш керак. Шунингдек, дефолиация самардорлигига ғўза навларининг биологик етилганлиги ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Урта толали ғўза навларида 45-50 фоиз кўсақлар очилганда ўсимлик биологик етилган ҳисобланиб, шундай пайтда ўтказиш юқори самара беради. Бу йилги шароитда ғўзанинг ривожланишига қараб айрим ўрта толали ғўза навлари экилган майдонларда ғўза кўсақларининг 45-50 фоизи очилган мuddатларда, ингичка толали ғўза навларида эса 55-60 фоиз очилган мuddатида дефолиация ўтказиш юқори самара беради.

Булар билан бир қаторда амалиётда юқори ярусдаги иккинчи кўсақ кесиб кўрилганда, қийин кесилса ёки чигит пўстлоғи қорайган бўлса, дефолиацияни ўтказиш мумкин бўлади. Кимёвий моддалар ғўза навларига қараб таъсир қилади. Аксарият тезпишар навлар ўртапишар навларга нисбатан таъсирчанроқ бўлади. Агар кўр-



сатилган мuddатларда ғўза кимёвий дори-лар билан сифатли баргсизлантирилса, кўсақларнинг очилиши тезлашади, тола сифати бузилмайди, тола ва кўсақларнинг чириши тўхтайдими, ҳосил барвақт етилади. Демак, дефолиация пайтида ғўза навини ҳисобга олиш керак. Дефолиация самардорлигини белгилловчи асосий омилларда яна бири ҳаво ҳарорати ҳисобланади. Ҳар бир дефолиант ўзининг кимёвий хусусияти ва таъсир этиш механизмидан келиб чиқиб, ҳароратга турли даражада талабчан бўлади. Маълумки, далаларда ҳар хил ғўзалар турли даражада ўсиб, уларнинг очилган кўсақлари ҳам турлича бўлади. Ғўза навлари кимёвий моддалардан ҳар хил таъсирланади. Аксарият тезпишар навлар (Наманган-77, С-4727, АН-Боёвўт-2, Султон, Наманган-34, Анджон-35) ўртапишар навларга (Бухоро-6, Бухоро-102, Бухоро-8, Хоразм-127, С-6524) нисбатан кўпроқ таъсирчан бўлади. Демак, ғўзани самарали дефолиация қилишда навларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш даркор. Дефолиацияни сифатли ўтказишда трактор пурақачилари тўғри рoстланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир дефолиант кимёвий хусусияти ва таъсир этиш механизмидан келиб чиқиб, ҳароратга турли даражада талабчан бўлади. Ўсимликка юмшоқ таъсир этувчи Супер-ХМД-С, ЎзДЭФ, ПолиДЭФ каби дефолиантларни ҳаво ҳарорати ўртача 22-25 0 С даражада бўлганда тезпишар навлар экилган майдонларда (6,5 – 7,0 л/га) қўллаш керак. Ўртапишар навлар экилган майдонларда ушбу дефолиантлар 7,0 – 7,5 л/га

меъёрида қўлланилади. Ҳаво ҳарорати 18-20 даражагача пасайганда ПолиДЭФ, ЎзДЭФ ва Супер-ХМД-С дефолиантларини тезпишар навлар экилган майдонларда 7,5 – 8,0 л/га, ўртапишар навлар экилган майдонларда эса 8,0 - 9,0 л/га, шунингдек "Садаф" дефолиантини гектарга 10-12 килограмдан қўллаш керак бўлади. Сув таъминоти яхши бўлмаган, ғўзанинг ўсиши ва ривож топган майдонларда ушбу тадбирни мутахассис тавсияси асосида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Урта толали ғўза навларининг юқори ярусидagi иккинчи кўсаги кесилганда чигити қорайган бўлса, дефолиацияни бошлаш мумкин. Дефолиация куннинг салқин пайтларида ўтказилиб, сувоқлик 2-4 атмосфера босимида сепилиши керак. Трактор тезлиги эса ғўзанинг ўсишига қараб ўртача 5,5-6,5 км/соат бўлиши лозим. Дефолиант сувга қўшилган, камида бир соат давомида насослар ёрдамида аралаштирилади. Дефолиациядан 12-15 кун ўтгач, теримга киришиш мумкин. Шунда кўсақларнинг 85-90 фоизи очилиб, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга топирилади. Баён этилган ушбу муҳим агротехник тадбирлар ғўза навларининг хусусиятларига мослаб амалга оширилса, мўл ва эртаги ҳосил етиштирилиши таъминланади.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ҳодими,
Жўраҳон АБДУЛЛАЕВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази бош мутахассиси.

"УСТОЗЛАР МИЛЛИЙ ФОРУМИ":
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА
ЎЗГАЧА РУҲ ВА ЯНГИ
ФОРМАТДАГИ ТАЙЁРГАРЛИК

(Боши 1-саҳифада)

Халқ таълими тизимида босқичма-босқич тадбиқ этилаётган Миллий ўқув дастурига 500 дан зиёд янги мавзулар киритилди. "50 га 50" тамоийли асосида амалий мавзулар улуши 10 фоиздан 50 фоизга етказилди.

Миллий ўқув дастури асосида 296 номдаги янги авлод дарсликлари, маш дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари чоп этилди. Шу жумладан, 189 та дарслик, 50 та маш дафтари, 57 та методик қўлланмалар ва дарсликларнинг мобил иловалари яратилди.

21 асрда ўқувчиларни уларнинг қизиқишлари асосида ўқитиш методикаси омаллашгаётганини ҳисобга олиб, Халқ таълими тизимида вариатив ўқув режалар асосида ўқитиш синовдан ўтказилмоқда.

Форумда Халқ таълими вазири Бахтиёр Саидов бугунги кунда таълимда олиб борилаётган слоҳотларнинг мақсади ҳақида тўхталар экан, "ЮНЕСКО томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, таълимга сарфланган 1 доллар иқтисодиётга 10 дан 15 долларгача фойда келтиради. Яъни боланинг билими ва малакасини оширишга тикилган сармога, барқарор ривожланишнинг энг ишончли гаровидир", деб қайд этди.

– Таълимни ўзгартириш комплекс ва тизимли ёндашуви талаб қилиб, ўқитувчилар бу муҳим жараёнда асосий роль ўйнайди, – деб таъкидлади ЮНЕСКОнинг ўқитувчилар малакасини ошириш бўлими бошлиғи, бўйича эксперти жаноб Карлос Варгас Тамез.

– Янгилаштирилган бош гоёси – ўрганиш натижаларига асосланган, – деди Республика таълим маркази директори Шуҳрат Сатторов. – Шу билан бирга, иктимойий-иқтисодий ўсиш динамикасига боғланган, меҳнат бозори эҳтиёжларига қурилган, ўқитувчилар академик жиҳатдан мустақил ва ўқувчи қизиқишлари асосида дарсини ташкил этадиган таълим тизимини барпо қилиш бугун гоёт муҳимдир.

"Устозлар миллий форуми"нинг биринчи иш кунини катнашчилар турли ўқув предметлари, махсус таълим, директорлар шўъбаси асосида мавзуга оид маърузаларни муҳокама этдилар.

Назокат УСМОНОВА,
Уза мухбири.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

КИТОБЛИК ФЕРМЕР "ҲОКИМ
ЁРДАМЧИСИ" КЎМАГИДА
ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Китоб тумани "Истиқбол" МФЙда жойлашган "Комилов Камрон Камолович" фермер хўжалигида айна кунда "Симментал" ва "Голштейн" зоти 70 бош қорамол парваришланмоқда. Худудга бириктирилган "Ҳоким ёрдамчиси" Ислам Бахронов ташаббуси билан мазкур фермер хўжалигида яқинда биоғумус тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, фермерга қарашли ер майдонига жорий мавсумда такрорий экин сифатида карам, сабзи ҳамда тарвуз уруғлари экилди. Айна вақтда далаларда ҳосил йиғиш ишлари авжида. Албатта, бундан хўжалик раҳбари ҳам мамнун.

НАВБАТДАГИ ЎҚУВ
СЕМЕНАРИ ЮНУСОБОДА
ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида аҳоли пунктлардаги турар жойлар ва бино иншоотлар рўйхатини тузиш, кадастр агентлиги томонидан тайёрланган хариталарнинг мослигини хатловдан ўтказиш, маҳалла ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги хонадонлар рўйхати ва ундаги аҳоли сони тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш мақсадида маҳаллалардан танлаб олинган регистраторлар учун навбатдаги ўқув семинари ташкил этилди.

Давлат статистика қўмитасининг ўқитиш дастурига мувофиқ, Юнусобод туманида ташкил этилган мазкур ўқув семинари регистраторларнинг иш фаолиятида муҳим ўрин тутиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бугунги кунда Юнусобод туманининг доимий аҳоли сони 363 миң кишини ташкил этиб, 64 та МФЙ, 90 миңдан ортиқ хонадон мавжуд. Ўқитилаётган 28 нафар регистратор ушбу семинар давомида шулар юзасидан тўлиқ маълумотга эга бўлди. Ўқув семинар давомида тайёрланган хариталардаги уй жойлар ва бино иншоотларни хатловдан ўтказиш бўйича ўқув машғулотлари ҳам ўтказилди.

Даврон ТОҲИРОВ,
Юнусобод тумани статистика бўлими бошлиғи.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”
ишбилармон, изланувчан тадбиркорларни доимо қўллаб-қувватлайди

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, ўз фаолияти орқали ҳам жамият, ҳам давлатга фойдаси тегадиган ишбилармон, изланувчан тадбиркорларнинг ғояларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларга кўмак бериш банк фаолиятида энг муҳим йўналишлардан бирига айланди. Республикамизнинг бошқа вилоятлари каби Бухоро вилоятида ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларга кўмак бериш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоятнинг кичик саноат тумани – Қоровулбозорда кўп тармоқли агросаноат мажмуининг паррандачилик тармоғи тизимли ривожлантирилмоқда. Туманда 2019 йилда барча тоифадаги хўжаликларда парранда сони 79 минг 379 тани ташкил қилган бўлса, 2021 йил якунида бу кўрсаткич 83 минг 600 тага етгани эътиборга молик. Туманда тухум етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликлар маҳсулдорлиги ҳам мос равишда ўсиб бормоқда. 2018 йилда ҳудудда барча тоифадаги хўжаликларда йилига 5 миллион 733 минг дона тухум етиштирилган бўлса, бу миқдор 2021 йил якунида қарийб 9 ярим миллион донга ошгани фикримизга далилдир. Бундан ташқари, қоровулбозорлик аҳоли ихтиёридаги мавжуд парранда сонидан келиб чиқиб, ҳар бир хонадонда камидан 100 та товуқ эътибор қаратилгани ҳолда хўжаликларда парранда сонини 90 мингга, тухум ишлаб чиқариш ҳажминини 10 миллион донга етказиш мақсад қилинган.

Мамлакат ривожига ва аҳолига фойдаси тегадиган, ишбилармон, изланувчан тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларга кўмак бериш ҳамда ҳудудда янги иш ўринлари яратиш мақсадида кўп тармоқли корхона лойиҳаси АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан молиявий қўллаб-қувватланди. Туманда жойлашган “Qorovulbozor Agroparranda” МЧЖга юқоридagi мақсадлар учун 4 млрд. 800 млн. сўм ва 1 млн. 290 минг АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилган. Қоровулбозорлик тадбиркор Фаррух Бекмурзаев ташаббуси билан иш бошлаган мазкур корхонада тухум йўналишида 50 минг бош “Loman Candy” зотиға мансуб, парҳезбop гўшт

БАНК КЎМАГИ – ТАДБИРКОР ТАЯНЧИ



етиштириш йўналишида 110 минг бош бройлер парранда парваришланмоқда. Бу ҳар ойда ўртача 45 минг дона тухум ва 130 тонна парҳезбop гўшт дегани. Корхонага Туркиядан қиймати 640 минг АҚШ доллари бўлган технология келтириб ўрнатилган. Шунингдек, кўп тармоқли бу корхонада паррандачилик хўжаликлари учун омухта ем ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Цех кунига 200 тоннагача бошоқли донни қайта ишлаб, жўжа ва товуқлар учун махсус омухта ем тайёрлаш имкониятига эга. Мазкур корхонада ҳам 50 нафар ишчи-мутахассис бандлиги таъминланган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий

қиймати 1 миллион 650 минг АҚШ доллариға тенг бўлиб, бу чекка туманда паррандачилик тармоғида ўзига хос кластер ташкил этилмоқда, деганидир. Бугунга келиб ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг 4 та объекти қуриб, битказилган. Уларда 250 минг бош парранда жойлаштирилиши кўзда тутилган. Бошқача айтганда, ҳар бирида ўртача 50 минг бош парранда парваришланадиган товуқхона павилонидан ойига 300 миллион сўмдан кўпроқ даромад қилиш имконияти яратилмоқда. – Тадбиркорлик фаолиятимизга 20 йил тўлаётган бўлса, юртимизда ишбилармон доира вакилларига яратиб



берилаётган имконият ва имтиёزلардан фойдаланган ҳолда “Asia Fruits Garden”, “Qorovulbozor Agroparranda” МЧЖлари фаолиятини йўлга қўйиб, бошқариб келмоқдамиз, – дейди Фаррух Бекмурзаев. – Тасарруфимиздаги 28 гектар иссиқхона хўжалиғига эга “Asia Fruits Garden” МЧЖда меҳнат қилаётганлар сони бугун 300 кишидан ошгани, ҳар йили бу хўжалик заминидан 100 тоннадан ошириб помидор етиштирилаётгани ва маҳсулотнинг аксар қисми чет эл бозорларига чиқарилаётгани моддий манфаатдорлиғимизнинг ҳам барқарор бўлишида катта аҳамият касб этмоқда.



Бунинг натижасида экспорт фаолиятдан йилига 2 млн. АҚШ доллари миқдорида даромадни қўлга киритиб, фаолиятни янада ривожлантирмоқдамиз.

Фаррух Бекмурзаев “Asia Fruits Garden” МЧЖ раҳбари сифатида ҳам қатор хайрли ишларга бош қўшиб келмоқда. Имом Бухорий маҳалласидаги дастлаб 18, кейинчалик 28 гектарга етказилган иссиқхона хўжалиғида помидор, бодринг, қарам, булғор қалампир ва қолаверса, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилиб, маҳаллий бозордан ташқари, чет элга экспорт қилинаётгани ўнлаб оилалар моддий манфаатдорлигини таъминламоқда. Хусусан, ўтган йил давомида умумий қиймати 1 миллион 50 минг АҚШ доллариға тенг маҳсулот хорижий ҳамкор бурюртмачиларга етказилгани фикримиз далили. Шунингдек, мажмуа ҳудудида 780 тонна сизимга эга музлаткич фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, халқимиз дастурхонини қийин-ёзин мева ҳамда сабзавот-полиз маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилган. Бу ерда меваларни қуриштиш ва қадоқлаш ускунаси ўрнатилгани туфайли ташкил қилинган цехда қўшимча 5 та иш ўрни яратилган.

Баҳорги экин-тикин ишлари бошланиши билан Фаррух Бекмурзаев жамоаси хайрли ишга қўл уриб, Тинчлик, Бўзачи, Бўстон, Имом Бухорий, Навбахор, Жарқоқ, Чўлуқвар маҳаллаларида истиқомат қилаётган камхарж ва камдаромадли оилаларга иссиқхонада экиб, ундирилган помидор кўчатларини тарқатишни урф қилган. Жорий мавсумда ҳам жамоа миришкорлари 50 минг туп кўчатни захира қилган ҳолда бепул тарқатдилар.

Лўнда қилиб айтганда, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан юқоридagi каби лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, ривожланишдан ортада қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллалардаги муаммоларни бартараф қилиш масаласига мунтазам равишда эътибор қаратиб келинмоқда.

Фаррух ҲАСАНОВ,
АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ахборот хизмати ходими.



ЗАМОНАВИЙ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ МАВСУМГА ШАЙ

“Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туманлар бўлимлари томонидан мавжуд 75 минг 356 гектар ер майдонда етиштирилаётган пахта хомашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиш мақсадида назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Жойларда бу борада амалга оширилаётган тадбирлар кунлик мониторинг қилиб борилмоқда.

– Бу йил пахтани ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиш мақсадида тайёргарлик ишлари ҳар йилгидан анча барвақт бошланди. Жорий йил мавсумида қатнашадиган 32 та замонавий, юқори унумдор пахта териш машиналарини мавсумга ҳозирлаш учун ишчи гуруҳи томонидан тегишли тадбирлар бажарилди. Бу йил пахта йиғим-терими давомида 21 та отряд шакллантирилиб, 1735 дона транспорт тракторлари ва 2 минг 634 дона тиркамалар тўлиқ шай ҳолатга келтирилди, – дейди инспекциянинг

Самарқанд вилояти бошқармаси бош инспектори Шаҳриддин Бутунов. Хусусан, Нарпай тумани пахтакорлари томонидан 10 минг 762 гектар майдонда чигит экилиб, 372 минг 697 тонна пахта хом ашёси тайёрлаш учун пухта замин ҳозирланди. Айтилган тумандаги “Мароқанд сифат” МЧЖ пахтачилик кластери ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. – Пахта ҳосилини қисқа кунларда тез ва соз ҳолатда йиғиб-териб олиш

учун харид қилинган 6 та замонавий пахта териш машиналари дислокация манзилгоҳида йиғилиб, мавсумий техник кўриққа жалб қилинган. Бугунги кунда мазкур пахта териш машиналари мавсумий техник кўриқдан ўтказилиб, шай ҳолатга келтирилган, – дейди “Ўзагроинспекция”нинг Нарпай тумани бўлими бошлиғи Ғайрат Исломов.

Абдували ҲУДОЁРОВ,
“Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

Эълонлар

“ULTRA-PACK TECHNOLOGIES” МЧЖ (СТИР 304499254)ни “PET PREFORMA” МЧЖ (СТИР 308125107) билан қўшиб юбориш йўли билан “PET PREFORMA” МЧЖ шаклида қайта ташкил этилаётганлиги маълум қилинади.	1993 йил 27 февралда Филиппова Нина Ивановна номига берилган №05-02/8403 рақамли уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
1993 йил 16 июлда Каримова Холида Ашимовна номига берилган №08-05/306 рақамли уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.	Тошкент шаҳри Сергили тумани 8а мавзе 13-уйда жойлашган УЖМШ “Буюк юрт коммунал”га (ИНН 205863817) тегишли бўлган 1 дона думалоқ муҳр, 1 дона тўрт бурчак штампи ва 1 дона тўлов қабул қилиш учун штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
1992 йил 29 декабрда Ян Да Фу номига берилган № 02-01/1008 рақамли уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.	1993 йил 26 октябрда Соколова Валентина Василевна номига берилган № 07-22/2319 рақамли уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Эълон

Диққат танлов!

Табий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликлариға ижараға бериш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига асосан белгиланган тартибда ўтказилади. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан қабул қилинадиган аризалар танлов ўтказиш кунидан бир кун олдин соат 18:00 да яқунланади.Талабгорлар танловда иштирок этиш учун топшириладиган ҳужжатлар ва бошқа қўшимча маълумотларни уюшманинг uzbekbaliquanoat.uz расмий веб-сайти ёки (78) 148-70-70 ишонч телефони орқали олишлари мумкин.

№	Туман номи	Табий сув ҳавза номи	Майдон (гектар)
Қорақалпоғистон Республикаси (танлов санаси 29.09.2022 й)			
Манзил:		Нўкус ш., Қизилтепа кўчаси 14-б	
1	Амударё тумани	Шарсапа кўли	8,2
2	Беруний тумани	“Зарип қара” кўли	5,3
3	Бўзатов тумани	“Довуткўл Қорабек” кўли	2865
4	Элликқалъа тумани	301 контур кўли	2,8
5	Элликқалъа тумани	Жинган кўли	3,9
6	Элликқалъа тумани	441 контур кўли	2,1
7	Элликқалъа тумани	“Чалан” кўли	1,6
8	Элликқалъа тумани	“Даша” кўли	30,8
9	Элликқалъа тумани	“Ўйсалан-2” кўли	50,4
10	Элликқалъа тумани	Бақберген кўли	68
11	Шуманай тумани	2878-а-санлы контур	1,4
12	Шуманай тумани	“306-контур” кўли	8,1
13	Тўрткўл тумани	Куксу Лоток яб Контур кўли	10
14	Тўрткўл тумани	Айданкўл кўли	10,1
15	Тўрткўл тумани	Араб кўли	6,6
16	Тўрткўл тумани	Шўрқўл кўли	16,9
17	Тахтақўл тумани	“Айбек” кўли	62,5
18	Тахтақўл тумани	“Шўр кўли”	39,1
19	Тахтақўл тумани	“Қостобе” кўли	91,4
20	Нўкус тумани	Кудяр кўли	8,4
21	Нўкус тумани	Гунчили кўли	9,4
22	Мўйноқ тумани	“Жауынғыр” кўли	29,4
23	Мўйноқ тумани	“Қарамул кўл”	220,1
24	Мўйноқ тумани	“Қизил кема” кўли	1,78
25	Мўйноқ тумани	“Закир” кўли	330
26	Мўйноқ тумани	Хожакўл кўли	126,3
27	Мўйноқ тумани	Арқа Мақпал кўли	35,4
28	Мўйноқ тумани	Узинқайыр кўли	5
29	Мўйноқ тумани	“Арқа Аббаз-Қарамул” кўли	50,6
30	Мўйноқ тумани	“Ақшоқы” кўли	56,4
31	Қораўзақ тумани	“Атақол” кўли	112

32	Қораўзақ тумани	“Сарикўл” кўли	13,6
33	Қўнғирот тумани	“Марал-Машин кеткен-Балтакеткен, Сашка кўли”	299
34	Қўнғирот тумани	Коптин кўли	68
34	Жами		4650
Бухоро вилояти (танлов санаси 04.10.2022 й)			
Манзил:		Бухоро шаҳри, Б.Наҳшбанд кўчаси, 297/1-уй	
1	Бухоро тумани	“Қумсултон” кўли	2987
2	Олот тумани	“Денгизкўл 3-контур”	1000
2	Жами		3987
Қашқадарё вилояти (танлов санаси 20.09.2022 й)			
Манзил:		Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси 81а-уй	
1	Қашаши тумани	“Чимқўрғон” сув омбори	4455
2	Китоб тумани	“Шўрбосой” сув омбори	15
3	Якхабоб тумани	“Қизилсув” сув омбори	60,4
3	Жами		4530
Сурхондарё вилояти (танлов санаси 15.09.2022 й)			
Манзил:		Термиз ш., Ат-Термизий кўчаси 14а-уй	
1	Қўмқўрғон тумани	“Жанубий Сурхон” сув омбори	3545
1	Жами		3545
Тошкент вилояти (танлов санаси 30.09.2022 й)			
Манзил:		Нуравошон ш. Тошкент йўли кўчаси 24 - уй, 4 - қават	
1	Бекобод тумани	Табий кўл	2,4
2	Бекобод тумани	Табий кўл	3,7
3	Бекобод тумани	Табий кўл	1,15
4	Бекобод тумани	Табий кўл	35,4
4	Жами		43
Хоразм вилояти (танлов санаси 07.10.2022 й)			
Манзил:		Урганч шаҳри, Тинчлик кўчаси 22А-уй	
1	Ҳазорасп тумани	“Шўрқўл - 2”	6,8
2	Ҳазорасп тумани	“Проток” кўли	33,2
3	Қўшқўйр тумани	“Чегара” кўли	40,7
4	Тупроққалъа тумани	“Чегара” кўли	18,1
5	Шовот тумани	“Бўстон” кўли	94,8
5	Жами		194

